

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
VAZIRLAR MANKAMASINING  
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**24 октябрь 2018 й.г.**

**№ 863**

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим  
қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида**

**(Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 26 июлдаги ЎРҚ-488-сон Қонуни)**

Ўзбекистон Республикасининг “Иқтисодиётнинг жадал ривожланишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2018 йил 26 июлдаги ЎРҚ-488-сон Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси адлия вазири Р.К.Давлетов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 24 октябрдаги  
863-сон қарорига  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим  
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобилтранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсларга беришни тартибга солиш тўғрисида” 2001 йил 28 августдаги 354-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 8-сон, 51-модда) 4-бандининг учинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги 38-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 17-модда) билан тасдиқланган Автомобилтранспорт воситалари билан боғлиқ битимларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 2-бандида:

а) қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши қўшилсин:

“енгил автомобилларни, мототранспорт воситаларини ижарага бериш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар ҳамда жисмоний шахслар ўртасида енгил автомобилларни, мототранспорт воситаларини ижарага бериш юзасидан ўттиз кунгача оддий ёзма шартномалар тузиш ҳолларига”;

б) учинчи хатбоши тўртинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 31 августдаги 683-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 8-сон, 191-модда) билан тасдиқланган Автомобилтранспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 45-банди қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

“45. Нотариуслар, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатларда эса консуллар томонидан ҳам тасдиқланган автомобилтранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) тасарруф этиш ишончномалари, ижара, текинга фойдаланиш ва автомобилтранспорт воситаларини гаровга қўйиш шартномалари, автомобилтранспорт воситасининг рўйхатдан ўтиш жойи бўйича тегишли ҳудудий ЙҲХДХ органларида автомобилтранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказмасдан ҳисобга қўйилади.

Автомобилтранспорт воситаларини бегоналаштириш билан боғлиқ бўлмаган битишувларни ҳисобга олиш юридик шахслар томонидан ўз ходимларига берилган автомобилтранспорт воситаларидан фойдаланиш ва (ёки) уларни тасарруф этиш ҳуқуқига ишончномаларга ҳамда енгил автомобилларни ва мототранспорт воситаларини ижарага бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар ҳамда жисмоний шахслар ўртасида ўттиз кунгача муддатга оддий ёзма шаклда тузиладиган енгил автомобиллар ва мототранспорт воситаларининг ижара шартномаларига нисбатан қўлланилмайди”.